





ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

ҚАЙТА ҚУРИШ

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ШАРҲЛАБ

ТИНИБ-ТИНЧИМАС

АЁЛЛАР

Районимиз хотин-қизлари Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси қарорларига жавобан омиқдорлик, ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Улар меҳнат унвондорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, иш шарт-шароитларини яхшилаш чораларини кўришяпти. Бунда хотин-қизлар кенгашларининг роли беънис. Коммунизм актив қурувчилари ўртасида янгича аъёнчаларни кенг қарор топтириш, илгорлар тажрибасини оммалаштириш, атенстик тарғиботни олиб борнишда аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳнат коллективларида қаҳрамон оналарни шарафлаш, «Уч аълод учрашувлари», «Қизлар давраси», интернационал ёстлиги кечаларини ўтказиш одат тусига кирган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида элликдан ортиқ комсомол тўйи бўлиб ўтди.

«Қасбим — фаҳрим» мавзусидаги учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. «Ленинград» колхозининг ситирсоғари, Ленин ордени ишондорни Тутухон Сиддиқова, «Россия» колхозининг ташаббускор чорвадори Зина Алиеванинг ёшлар билан мулоқотлари кўпчиликтида катта таассурот қолдирди. Мурабийлар йигит ва қизларни ўз сафарига даъват этдилар. Натижада қисқа вақт ичида ситирсоғарлар сафи 35 кишига кўпайди.

Хозирги кунда районимиз территориясидаги 55 та кутубхона, икки стадион, футбол, волейбол ва баскетбол майдончалари, Бахт уйлари, атенстик клублар, вокаль-чолгу ансамбллари соғлом, баркамол аълодни тарбиялашда ҳам омиқ бўлаётти.

Атенстик тарғибот янги поғонага кўтарилмоқда. Бу борада Абдулла Набиев номли, Карл Маркс номли, «Правда» колхозларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «Хотин-қизлар ва дин», «Диннинг зарарли оқибатлари» мавзусида ўтказилаётган тасвирчан чинишлар, «Хужум» ҳаракати иштирокчилари билан бўлиб ўтаётган савол-жавоб кечалари совет турмуш тарзини боийтмоқда.

Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси материаллари моҳияти ҳар бир қабга чуқур сингдирилмоқда. Янгида Топкент давлат университети илмий коммунизм кафедрасининг доценти Ж. Шермухамедова партия тарихий ҳужжатлари ҳусусида туркум лекциялар ўқиди.

Бироқ ҳали бу муҳим ишда қатор камчиликлар мавжуд. «Ленинград» колхоз, «Коммуна» совхоз партия комитетлари хотин-қизлар ўртасида тарбиявий-ташқиллий ишларни кўнгидагидек амалга оширишяпти. Уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласи билан жидай шугулланилмапти. Райондаги мавжуд 138 та пахтачилик бригадасидан 9 тасигагина хотин-қизлар раҳбарлик қилаётганлиги афсусланаридир. Биз бу каби камчиликларни бартараф этишга астойдил киришимиз. Зеро, коммунизмнинг фаол қурувчиларида алоҳида эътибор бериш, уларни эъзозлаш партия ташкилотлари, раҳбарларининг муқаддас бурчидир.

Р. ЖУМАНИЕЗОВА, Ўзбекистон Компартияси Хўжабод район комитетининг секретари.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА ХАЛҚ ФАРО-ВОНЛИГИНИНГ ЭНГ ЗАРУР МУАММОЛАРИНИ ЖАДАЛ ҲАЛ ЭТИШ ЖУДА МУҲИМ ВАЗИФАДИР. АВВАЛО, МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИ АНЧА ЯХШИЛАШГА ЭРИШИШ КЕРАК. БУ — ЖУДА КАТТА СОЦИАЛ-СИЕСИЙ МАСАЛАДИР. ПУДРАТ ВА ИЖАРАНИНГ ХИЛМА-ХИЛ ШАҚЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАВЖУД ХЎЖАЛИКЛАР ДОИ-РАСИДА ҲАМ, ШУНИНГДЕК, БОШҚА КОРХО-НАЛАР ВА ЭКОНОМИКА ТАРМОҚЛАРИ БИ-ЛАН УЗАРО АЛОҚАЛАРДА ҲАМ КООПЕРА-ТИВЛАРИНИНГ КЕНГ ТАРМОғИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ АСОСИДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ-ЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РЎЕБГА ЧИҚАРИШ БУ МАСАЛАНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛИДИР.

РАҲБАР БЎЛИШ ОСОНМАС

Турғунлик йилларида колхоз-ниҳода иш орқага кетди. Планлар сурунжисига баъиратиман экономикага путур етди, кадрлар кўнисиқлиги авжга чиқди. Район партия комитети вазиғта тўғри ба-ҳо бериб, моҳир ташқилоти, пахта илмининг устаси Жўра Норалиевни правлене раисли-гига тавсия этди. У энг аввал инсон омилига эътибор берди. Оммавий-сиёсий иш-лар, маданият-маърифий хизмат кўрсатиш юзасидан белгилан-ган тадбирларни амалга оши-ришда жонбозлик кўрсатди. Партия комитети, коммунист-ларга суғанди. Уруш ва меҳ-нат ветеранлари, мутахассис-ларнинг хўрматини жойига қўйди.

Қисқа вақт ичида 204 гек-тар кумлоқ ер ўзлаштирилди. Қанчадан-қанча маблаг сарф-лаб келтирилган 68 та трактор зенг босиб ётарди. Пахта те-риш машиналарининг иш уну-ми ниҳоятда паст эди. Қиста-ланг, ҳал қилувчи даида тўрт нафар механизатор техника кудратини амалда намойиш этиш, муносиб шогирдлар тай-йорлаш юзасидан ташаббус бошлади. Хўжаликка саккиз нафар инженер, ўндан ортиқ суворий тақлиф этди. Вақт ўтиши билан пастчиликка комплекс механизацияни жо-рий этишда муайян ютуқлар-га эришилди. Асосий тармоқ билан бирга чорвачилик, бог-дорчилик ҳам ривожланди. Бир вақтлар қарга ботган колхоз миллионер хўжаликка

айланди. Хозир унинг чўнта-ғида 3 миллион сўндан ортиқ маблаг бор. КПСС Марказий Комитети-нинг 1988 йил июль пленуми қарорлари биз — заршунос-ларни энги муваффиқиятлар сари руҳлантирди. Юборди. Барча кўлни қўлга бериб иш-лаб, 1,685 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиряпти. Ни-ят— ҳар гектар ердан план-дери 34 центнер ўғинга 36 центнердан оқ олтин йиғишти-риб олиш. Айни кунларда гў-за парваришини бир дам бў-шаштирмий, йиғим-терим мав-сумига пухта тайёргарлик кў-риляпти. 27 та пахта териш машинаси сифатли ремонтдан чиқарилди. Механизаторлар юксак марраларни кўзлашяп-ти. Ўтган йили ҳар бир пахта териш машинаси ҳисобига 110 тонна оқ олтин тўғри келган эди. Жорий йилда бу кўрсат-кич камида 130 тоннани таш-кил этади.

22 та бригадда даля ишла-ри сифатли олиб бориляпти. Колхоз правленеиси ва пар-тия комитети қадоқ кўлли дек-орларга катта гамирўрлик кўрсатмоқдалар. 20 та дала шийпони оммавий-сиёсий иш-лар марказига айланган. Клуб, кутубхоналар, маданият-ма-ърифий хизмат кўрсатиш нуқта-лари фаолиятдан мазмунимис. «Гўдаст» ансамблининг хў-шовоз хонанда ва созанда-лари дилрабо кўй, кўшклар би-лан қалбларга сурур бағиш-ламоқдалар.

К. АЗИМОВ, Райондаги Норули Боймуродов номли колхоз пудратчиси.



Ҳал қилувчи даида правлене раисининг ташқилоти-лиги, ташаббускорлиги, ҳар қандай шертда ҳам тадбир-корлиғи гойат асқотмоқда. Унга синчков назар ташлар экан-ман, ҳайратланаман: ҳаминча одамлар ташвишида...

Жўра Норалиев лоқайд, ўз манфаатини ҳамма нарседан устун қўювчи кимсаларга нисба-тан муросаси курашяпти. Яхшиларни эъзозлаб, хайри ҳаракатларни қўллаб-қувватла-моқда. Шу ўринда бир мисол келтирмаман. Бурноғи йили хў-жалик ветеранлари Озиқ-ов-қат программасининг муваф-фиқиятли бажарилишига мун-осиб ҳисса қўшишга ақд қил-дилар. Улар 25 гектар таш-ландиқ ерга сув чиқариб, ажо-бий бог барпо этишди. Да-раклар ҳосилга киргач, кол-хоз давлатга йилга қўшимча равишда 300 тонна мева тор-тиқ этади.

Раҳбар бўлиш осонмас. Унинг босган қадами, гапир-аётган гапи, ўзини тутиши кў-пчилик эътиборида. Раиснинг одамларни қанчалик ахши би-лишини ўзaro суҳбат жара-ёнда пайкаганман. Бир вақт-лар Пайғам Қаримов тажриба-сизлик қилиб, бригадда ишни эплатирилмади. Мутахассис-лар унинг ўрнига бошқа ки-шини тайинлашни тақлиф эт-дилар. Аммо Жўра ақд бон-ширини оқиллик олдди. Ундай ширин сўзини, қимматли ма-схатини ямади. Натижада қисқа вақт ичида П. Қаримов э-зи ишни ахшилади. Аъло-лари билан зарбдорчасига меҳ-нат қилиб, мажбуриятга яраша ҳосил тўпледмоқда.

Жарўғон райондаги Норули Боймуродов номли колхоз пудратчиси.

Жиззах райондаги Ленин номли совхознинг коммунист Тоғай Ёралиев бошлиқ бригадаси заршунослари Бутуниттifoқ XIX партия конференцияси қарорларига жавобан зарбдорчасига меҳнат қилишяпти. Мавжуд 105 гектар ерда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Иноқ коллектив ошқирланган социалистик мажбурият олди: ҳар гектар ердан камида 35 центнердан пахта ҳосили етиштиришга қарор қилинди.

СУРАТДА: қатор ораларига сифатли ишлов бериб, ўзаро мусоабатда олдинда бораётган моҳир механизатор Умар Маҳмудов.

Ш. ТўРАЕВ ФОТОСИ.

ҲАЁТНИНГ ҚАЙНОҚ ЖАБҲАСИДА

Янқабог райондаги «Шарқ юлдузи» колхоз партия комитети ишнинг муваффақиятини идеология жиҳатдан таъминлашга алоҳида эъти-бор берапти. Бу ерда кўп-гина моҳир ташвиқотчилар фаолият кўрсатишяпти. Улар ҳал қилувчи бўғинлар-да халқро аҳвол, атенстик мавзуда қизиқарли лекция ва суҳбатлар уюштириш-моқда. Қўқор Пардаев, Адолат Бозорова, Илхом Қўрбон, Шермаҳамат Назаров, Назира Ражабова, Пирназар Имомов, Собир Султонов каби агитаторлар-нинг Бутуниттifoқ XIX пар-тия конференцияси матери-аллари юзасидан тасвирчан чиқишлари ноз-неъмат бў-лдорларига маъқул бўла-пти.

Озгаки пропаганда уста-лари ўз ишларини тақомил-лаштириб боришмоқда. Мав-зуда оид қисқа метражли фильмлардан унумли фойда-ланилаётганлиги тингловчи-ларда қизиқини янада оши-ряпти. Дала шийлонлари оммавий-сиёсий ишлар мар-казига айланган. Янгида Қ. Бўриева, Т. Асадов, Ғ. Са-ядов каби суз усталари «Еш-ларни ҳарбий-ватанпарварлик

руҳида тарбиялабди». «Со-вет хотин-қизлари — комму-низмнинг фаол қурувчилари». «Қишлоқда турмуш ма-даниятини юксалтириш — давр талаби». «Коллектив пудрат кудрати». «Янгича аъёнчаларни турмушга кенг тадбиқ этишлик» деган мав-зуларда лекция ва суҳбат-лар уюштирилди. Колхоз партия комитети кўргазмали агитациядан то-бора унумли фойдаланяпти. Клуб, кутубхоналар, да-ча шийлонларидаги стенд-лар, пиюрлар, панно ва пла-катлар деҳқонларни янги меҳнат муваффақиятлари са-ри чорляпти. Аммо бу бо-рада ҳали қатор камчилик-лар ҳам мавжуд. Айрим ҳол-ларда шайла зўр берилиб, мазмун унутилапти.

Хўжалик меҳнат аҳли жо-рий йилда зарбдорчасига иш-ляпти. Гўза парвариши уюшқоқлик билан олиб бо-ришмоқда. Чилла сувига қон-ган гўзаларнинг ҳар тупида камида ўнтадан бўлиқ кўсок бор. Бутун диққат-эътибор жо-рий йилда ҳар гектардан камида 30 центнер оқ ол-тини йиғиштириб олишга қа-ратилапти. Ҳ. ТўРАЕВ.

АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

(Боши 1-бетда).

нон ва нон маҳсулотлари билан таъминловчи диспетчер-лик системаси жорий этилсин. Шу йилнинг охиригача Ўзбекистон ССР Дон маҳ-сулотлари министригининг б'рча нон заводлари хузури-да иш кўни ўзайтирилган «Иссиқ нон» фирми мага-зинлари ташқил этилиб, иш-га туширилсин. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишга алоҳида эъти-бор беришсин, ҳамма жойда балиқ аквариумлари қайта тиклансин, балиқ маҳсуло-ти етиштириш кўпайтирилсин, кўл ва ҳовузларнинг эколог-ия, ҳолати яхшилансин. Халқ истеъмол моллари иш-лаб чиқарувчи, уй-жойларни ремонт қилувчи, чорва мол-ларни сўғмага боқувчи, пар-ранда, қуён, балиқ қўлайти-рувчи, хизмат кўрсатувчи ва шу каби кооперативлар таш-қил этилишига бутун чо-ралар билан кўмаклашилсин.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА СОҲАСИДА

Пассажир транспорти ҳа-ракатининг графикасини са-моделтлар, поездлар, ша-ҳарлараро автобусларнинг келиши, жўнаши билан, республика шаҳар ва қишлоқларидаги корхоналар ҳамда ташқилотларнинг иш режими билан боғлан-син. Аҳоли учун кў ав-тотранспортнинг хизмати анча кенгайтирилсин, авто-мобиль корхоналарида шах-сий автотранспортнинг май-да ремонт ва унга техника хизмати кўрсатиш, вулкани-зация ташқил этилсин. Нав-батда туришларни камай-тириш учун авиабилет ва те-мирйўл билетларини олдин-дан сотувчи кассалар иши мунтазам текшириб турил-син ва яхшилансин, зарур ҳолларда уларни кечаю кун-дуз ишлаши ташқил этил-син, билетларни аҳолининг телефон орқали буюртма-ларига кўра уйларига етказиб бериш кенг жорий этилсин. Автомат-телефон станция-лари ва линия тармоғининг бўшаб қолаётган барча қув-ватлари аҳолининг квартира

дончалари, бассейнар очил-син, видеокалар, диско-клублар ташқил этилсин. Уй-ин автоматлари ўрнатил-син, прокат пунктлари ва ҳо-казолар очилсин. Меҳнат-кашларнинг турли кате-гориялари ва ёшлар катга-рилари бўйича секцияларга, клублар ва тўғариларга жалб этилсин, турист-экс-курсия фаолияти ривожлан-тирилсин.

Парклар, кутубхоналар, клублар ва маданият уйлари тегишли тартибда келтирил-син, улар зарур аттракцион техникаси ва ускуналар би-лан таъминлансин, прокат пунктлари очилсин. Бу ишда маҳаллий корхоналарнинг фойдаланилсин.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ СОҲАСИДА

Аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳоли сифат-ли ичимлик суви билан таъ-минлансин, иссиқлик, газ, электр энергияси узуксиз бериб турилсин. Канализа-ция тозалаш иншоотлари ҳамда ички санитария-техни-ка системалари ва приборла-ри пухта ишлаб туриши таъ-минлансин. Уй-жойларни ре-монт қилиш ва уларнинг тех-ника қаровини ташқил этиш-да, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришда, уларни кўкчаларзорлаштириш, яри-ғация ва мелiorациялаш ишларини ташқил этишда тартиб ўрнатилсин.

Марказий Комитет бўлим-лари, область, шаҳар, район партия комитетлари, бош-ланғич партия ташқилотлари 1988 йилнинг охиригача хизмат кўрсатиш соҳаси-ни шонча кўрсатиш бўлаган ишончга сазовор бўлаган шахслардан тозаласинлар, соҳалар масалаларини ҳал этиш учун ягона кураш фронтини ташқил этсинлар, ҳар хил таъмағирлик ва чайқовчиликка қатынган чек қўйсинлар. Етақчи соҳалар билимдон, янгиликни ҳис

тин муносабатда бўлиш ҳа-ракатидан тўлиқроқ фойда-ланилсин.

Социал муаммоларнинг ҳал этилиши республика идеология муассасаларининг, оммавий-ахборот восита-ларининг диққат марказига қўйилсин, шу йилнинг сен-тябрьда мавкур масалага доир ягона сиёсий кун ўтқа-зилсин. Газета ва журнал-ларда, телевидение ва радио-да тегишли рубрикалар очил-диб, партия комитетлари би-ринчи секретарларининг ҳам-да иккинчи комитет раисла-рининг чиқишлари уюшти-рилсин, программаларда уларга устуғ ўрнилар ажра-тилсин. Социалистик му-носақат қўлиларнинг, меҳнат новаторларининг тажрибаси амалий равишда кўрсатиб берилиши, камчиликлар ва уларни келтириб чиқарушни сабаблар принципал танқид қилинсин. Одамларга нисба-тан тошбағирлик қилаётган, етилган масалаларни ҳал эъ-маётган кишилар номма-ном айтилиши. Социал соҳадан салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашда меҳнат-кашларнинг хатлари ва тақ-лифларидан кенг фойдала-вилсин, кўтариб чиқилаёт-ган масалаларга партия, со-вет органлари, министрлик-лар ва идоралар раҳбарла-рининг жавоблари эълон қил-син.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ушбу масалани бюро мажлислари-да кенг активлар иштироки-да, хизмат соҳасининг барча меҳнат коллективларида со-вет ва партия ходимлари-нинг иштироки билан муҳо-зама қилсинлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг бўлимларига шу йилнинг декабрь ойигача аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга доир ишларнинг бўлимлари ҳамда хизмат қи-лувчи корхоналар ва ташқил-лотлар бошланғич партия ташқилотлари секретарлари иштирокида кўриб чиқиш топирилсин. Аҳолига хиз-мат кўрсатишнинг аҳволи 1989 йил январда республи-ка партия-хўжалик актив-ларининг йилги шайларида кў-риб чиқилсин. Материаллар-ни тайёрлаш Марказий Ко-митетнинг савдо ва маийш хизмат бўлими билан ташқил-лий партиявий ишлар бўли-ми зиммасига юклансин.

ЖАЛҚАРО ҚАЁТ

ҚАНДАҲОРДАГИ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ

КОВУЛ. (ТАСС). Афғонистондаги Қандаҳор вилоят-нинг маркази бўлган Қан-даҳор шаҳридаги бинолар-нинг 70 проценти эълон қи-линмаган уруш йилларида батамом вайрон бўлди. Ёни уларга анча шикаст етди. Афғонистон кон ишлари ва савдо министрининг ўринбо-сари, ана шу жанубий вило-ятнинг иқтисодий жиҳатдан тиклаш учун масъул бўл-ган Вали Муҳаммад Расу-лий Бахтар мухбири билан суҳбатда ана шуларни айт-ди. У вайрон бўлган бино-ларни тиклаш учун жуда катта маблаг ва куч-ғайрат кераклигини таъкидлади. Қандаҳордаги аҳвол бир қадар барқарор бўлиб бора-ётганлиги тўғрисида сўнги маълумотлар билан қўшил-ди. Дамон ва Маймант уезд-ларидаги медицина муасса-салари ва мактаблар, гишт

фили. Масалан, агар 1983 —1986 йилларда бир неча корхона ишлаган ва йиллик капитал маблаг сарфлаш 100—150 миллион афғоний-дан ошмаган бўлса, 1987—1988 йилларда вилоятда 52 та фабрика иш бошлади, сарфланаётган ўртача йил-лик капитал маблаг ҳамми 700 миллион афғонийга бо-ради. Вилоят экономикасини қайта тиклашга ҳусусий сек-торни жалб этиш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир, деб сўзини давом эттирди В. М. Расулий. Бу, маса-лан, ҳали хавфсизлик тўла таъминланмаган районларда қўриқлаётган ёки тикланаёт-ган объектларга тааллуқли-дир. Улар қаторига Арган-доб, Дамон ва Маймант уезд-ларидаги медицина муасса-салари ва мактаблар, гишт

СЎНГГИ СОАТДА

ВАРШАВА. БПИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзи-нинг навбатдаги мажлисида БПИП Марказий Комитети-нинг сўнги пленумида партия ташқилотлари олдиға қўйилган муаммоларни аввало, ишчилар ўртасида сиёсий иш олиб бо-риш соҳасидаги долзарб му-аммоларни ҳал этиш вазифа-ларини Остроленский, Скер-невский ва Броцлавский воеводалари партия ташқил-лотларининг иши мисолида кўриб чиқди. Мажлисида партиявий иш тобора самарали бўлиб бора-ётганлиги таъкидланди. БПИП савфари ўсмоқда, партия аълолигига номзодлар ораси-да ишчилар ва деҳқонлар, ёшлар тобора кўпаймоқда. Бошланғич партия ташқилот-ларининг иш сифати яхшилан-моқда уларнинг жойлардаги ишларга сиёсий, социал ва иқтисодий ўзгаришларга таъ-сири ва роли ўсмоқда. Айни вақтда Бевоиста ишлаб чиқ-аришда банд бўлган кишилар

илгари сурган оддий қуро-ларга тўғрисидаги тақлиф-лар ҳисобга олсин, қуролик-кучларни тубдан қисқартириш тўғрисида ҳозир янграётган талабларни амалга ошириш-тиришдаги аҳоли қўшма-лиги қўйиб, Бонн ҳукумати кўрсатилганга тўғри экан-лигини намойиш этиши мум-кин эди. Боннинг бундай кон-крет қадамлари, деб таъкид-лади Янзен хоним, канцлер Гельмут Колинш шу йил ок-тябрь ойида Совет Иттифоқга расмий визити арафасида ях-шилик нишониси бўлув эди. (ТАСС).

### ШИНГИЛ САТРАПЛАР

**ҚОРАҚУЛ.** Район сабзавот-корлари бу йил умумий ҳолати фондига 300 тонна маҳсулот жўнатди. Дастлабки 25 тонна қарам мамлакатнинг саноат марказларига юборилди.

**БАЛИҚЧИ.** Районда енгил автомашина ва мотоцикллар ремонт қилинадиган устaxonа фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, аҳолига яна бир қулайлик яратилди.

**ШУРЧИ.** Район марказида «Шодлик» болалар боғчаси мўддатидан бир ой олдин ишга туширилди. 140 ўринли замонавий мўссасани «Агро-промстройга» қарашли 266 қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари бунёд этдилар.

**ПАХТАКОР.** Ақмал Икромов номли совхоз посёлқасининг Тошкент—Жиззах йўли ёнида район матлубот жамиятига қарашли «Дилшод» кооператив ошонаси ишлай бошлади. Бу ерда хушхўр миллий таомлар тайёрланмоқда.

**ШАХРИСАБЗ.** Н. Крупская номли 31-ўрта мактабда ремонт ишлари тез ва сифатли бақарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Уни ота-лиқ ташкилот — «Социализм» колхози амалга оширди.

**ПЕШКУ.** Велопойгачилар Янгібозор посёлқаси кўчалари бўйлаб беллашувага чиқдилар. Мусобақада 32 нафар ҳаваскор пенсионер 3 километрик масофани велосипедда босиб ўтишда ўзаро куч синишдилар. «Ўзбекистон» колхозининг собиқ тоқари Достар Ҳамдамом галиб бўлди.

**ҚИЗИЛТЕПА.** Райондаги қасалхона ва қишлоқ арчилик амбулаторияларининг 20 дан зиёд бадий ҳаваскорлик ансамбллари кўрик-конкурс бўлиб ўтди. Галиблар район маданият бўлими ва марказий қасалхона қасаба союз ташкилотининг қимматбахо буюмлари, фахрий арчиқлари билан тақдирландилар.

**УҚИНГ ҚИЗИК!**  
**ЖАРИМА ҚОПҚОН**  
Лондон кўчаларида тақиқловчи белгилар илганиганига ҳарамасдан кечаси кундузи автомобиллар йўллар бўйлаб турнақотар бўлиб туради. Тартиббузарларни жазолаш кўриққа олаётган. Амалий чора-тадбирни топшиди шаҳар полициясига маҳаллий фирма ёрдам берди. Унинг ходимлари қондан бузган ҳайдовчиларнинг машиналарини гилдиракларини махсус пўлат илгалар билан муҳосара қилиштирадилар. Улар ҳар кунги кимда етти юзта автомобилнинг шундай қишанмақдалар.

**АСАЛАРИ УЙЛАРИ**  
Познань яқиндаги Оважendra шаҳридаги галати музай очқ майдонга жойлашган. Унга одам қиёфаси, бочка устида ўтирган шайтон, кулгили айқилар шакллари асалган асалари уялари қўйилган. Познандаги булар уйи устида барпо этилган шунчаку буюкча ҳам томошабинлар эътиборини тортмоқда.

**ПЛАСТМАССАДАН ПУЛ**  
Австралининг резерва банки 10 долларли банкнотларини чиқарди. Мутахассислар таҳмин қилишларча, улар қозғо пуллари қараганда узоқ мўддатга чидайди. Ҳозирча муомалага 500 миңга ана шундай пул чиқарилди.

**ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА**  
7 АВГУСТ, ЯҚШАНБА  
**ТЕМИРЎЛЧИЛАР КУНИ**  
● МТ I  
8.30 Янгиликлар.  
8.45 Ритмик гимнастика.  
9.30 «Тулпорлар дуюракларини кутмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси).  
9.50 «Спортлото» тиражи.  
10.00 «Будильник».  
10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қилмади».  
11.30 «Тонги почта». Музикали кўрсатува.

12.00 Киноафиша.  
13.00 «Музыкали кино». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Зороз» программасининг кинозали. Сурункали алкокоголизм ва гилёвандликнинг оқибатлари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.  
15.15 «Бимини», «Гўзал парни». Мультифильмлар премьераси.  
15.45 «Балтика» халқаро фольклор фестивали.  
17.15 «Бизнинг бурчида». «Сўнги» беката.  
17.40 «Жонли планета». Ун икки серияли ҳужжатли фильм премьераси. 4-серия — «Жунгли» (Буюк Британия).  
18.30 «Халқаро панорама». Яқшанба кинозали.  
19.15 «Куйлашни билмаган мушук». Мультифильм. «Собон».



**Уйчи район аҳолига янши хизмат кўрсатиш бошқармасида** вақтдан ўзиб ишлаётган илгорлар кўн. Мавлудахон Усмонова ана шулардан биридир. Моҳир тикувчи ойлик влан-тошириқларни ошин билан бажариб, коллектив хурматига сазовор бўлмоқда. У ёшлардан ўз ёрдами, маслаҳатларини алмайди. Шогирд ва устозлар эл хизматига қамарбаста бўлиб, мусобақа ҳаракатини кун сайин авж олдиarmoқдалар.

**СУРАТДА:** район Совети депутати, моҳир тикувчи М. Усмонова иш устида.

А. ЮСУФБОВЕВ фотоси.

### АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН!

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА 1989 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНГАНИДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ? ҲА, ДАСТЛАБКИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МАРОСИМИ 1 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛДИ.

Газетамиз сизга дўст, ҳамкор, ҳамдам, ҳамнафас, маслаҳатгўй, сирдош ва йўлдош бўлишига ишонишингиз мумкин. У халқ учун чиқарилади, унинг дилидагини, тилидагини, орзу-умидларини ифодалайди.

Агар 7 сўм 80 тийин тўласангиз, йил давомида газетанинг 300 сонини мунтазам равишда olasиз. Обуна «Союзпечать» идораларида, алоқа бўлимларида, иш, ўқиш, яшаш жойингизда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

## Оқилжон ҲУСАНОВ СОБИҚ ЛЎЛИНИНГ ХОНАДОНИДА

ҚИССАДАН ПАРЧА

Манзурбек яна соддалик билан сўради: — Шу ёганларнингизни ҳамманга биргаликда ўша наширивта олиб борсанг бўлмайди, домла? Керак бўлса мен ётоқхонадаги шерикларимни ҳам олиб бораман. — Зиё Набиев кўлини хиёл кўтариб панжаларини ёзди: — Йў-йў-йў! Ҳеч керак эмас, ўғилларим. Ташвиш тортманлар, ўзи вақти-соати келиб қолар. Жуда бўлмаса вафотимдан кейин чиқар... Мана, сизлардек ўғилларим ўқияпти, эшитаяпти, маъқуллаяпти, шунинг ўзи менга катта муқофот, мен, аслида, шу даражада юрганимдан ҳам хурсандман.

— Э, нега ундай дейсиз, домла? — Алижон мезбоннинг кўнглини кўтарган бўлди. — Бунақа нарсаларни таланти бор одам ёзди. Ҳамма ҳам азиб кўрсинчи.

— Ана бу галингизга борман, раҳмат! — деди Зиё Набиев самимий жилмайиб. — Узи, тўғрисиини айтганда, ўғилларим, ҳар бир санъатнинг ҳам фидойилари бўлади, менга ўхшаб ичига дадил киролмасдан оstonасида юрганлари ҳам бўлади. Адабиёт ҳам санъатнинг бир тури, гўзаллик рамзи. Мен бунинг жуда яхши тушунаман. Чунки ўзим адабиётчиман-да. Илим олишга кечроқ киришдим. Мана бунақа кеч нарсага азинчи эса андак кеч бошладим. Майли, шунингиз ҳам шукр. Энди, ўғилларим, сизлардан илтимосини шуни, ўғилларим, нарсанингизга ашлидан киришингиз. Ёшликдан киришсангиз, интилангиз, ниятга, мақсадага тез етсангиз. Интилганга толе ёр, дейдилар.

— Мана бу бола ҳам шу гапларни билар экан-да, домла, хозирдан интиляпти, — деди Зиё Набиевга Манзурбекнинг кўрсатиши Алижон. — Нимага интиляпти бу йигитча? — деб сўради домла. Алижон гачч ўймакорлиги муаллимнинг талабаларга андак кўчириниш вазифини топишганини, Манзурбекнинг эса, андакани яхши кўчирганидан ташқари янги нақш ишлаб келганини айтди. — Мана бу гап яхши! — деди Зиё Набиев самимий меҳр билан Манзурбекка тикилар экан. — Чинакам ижодкор шунча бўлади. Машиқни кўпайтириш керак. Ҳаммаларингизга ҳам маслаҳат шу, ўғилларим.

— Уртага озгина жиллик чўки.

— Энди биз кетайлик, домла. — Алижон ўзини шериклари номидан изн сўради. Манзурбек билан Аббор ҳам кўзгалиш учун тараддуландилар.

— Кеч бўлапти-ку, ётиб қолверинглар.

Алижон ўрнидан турди-да: — Команданг азият хавотир олиб ўтирсаним, — деди.

[Бош газетанинг ўтган сонидда.]

Шу аснода у хонанинг деворларига қараб-қараб сўзлади. — Домла, деворлар ҳали оқланмаган экан-а. Бу уйга яқинда кўчиб ўтганимизлар! — Йўқ, яқинда эмас, ўн беш йилча бўлди, — деди Зиё Набиев ўрнидан туриб. — Тошкентга кўчиб келган йилмиш шу устанани соғиб олувдик. Шундан бери турибмиз бу уйларда.

— Агар уйни ремонт қилсангиз, келиб қарашардик, — деди Алижон.

— Рост, ҳашарга келамиз, домла, — деди Манзурбек.

— Мен ҳам келаман, — деди боздан бери гапга кўшилмай ўтирган Аббор.

— Ремонтлаб бўлиб қолди, домла, — деди Алижон ўзини катталардек тутиб. — Ҳеч бўлмаганда оқлаш керак деворларини. Узингиз қурилади билми юртида ишлансангиз, билим юртида шунча бола ўқиса. Дуррадоғлар ҳам, бўёқчилар ҳам бор... — Яна бир-икки минутга кайтиб ўтиринглар, — дея тақлиф қилди мезбон. — Бир гап бор.

— Ёш меҳмонлар бироз ҳайронлик билан қайтадан жойиларига ўтиришди.

— Менинг сизлардан яширадиган сирим йўқ, — дея охиштилик билан сўз бошлади уй эгаси. — Агар менинг келиб чиқишимни билган одам ҳозирги аҳолимини кўрса, аввало ҳайрон қоларди, сўнгра миннатдорчилик билдиради. Негат Чунки, мен келиб чиқишим жиҳатдан лўли фарзандиман. Ҳа, мунаверинг, лўлиман.

— Йў-э, домла, одамни ҳафа қилманг, деди Алижон. Аббор билан Манзурбек эса, хайронликдан оғизларини очиб ўтиришарди.

— Нега ҳафа бўласизлар, ўғилим, лўлининг тарқ этиб, шу аҳволда юрсам ёмоний... Лўлида мана бунақа қулба борми? — Зиё Набиев хонани кўли билан кўрсатди, сўнгра шифтдоғ лампочкага ишора қилди. — Мана бунақа чироқ борми? Илчиқ чироғи-я бу! Бунинг бебаҳолигини биларсизми? Лўлида узуму олма-ўрик ўсиб турган боғ борми? Ҳар кун чодир-чаманини у ердан бу ерга кўчириб юрадиган лўлининг ҳаёти ҳам ҳаётми? Мен эса андоқларимнинг ушундай ҳаётидан юз ўтирдим. Уларнинг ҳаётига хозирги менинг аҳолимини таққосласангиз, эҳ-хе... Ахир менинг учун революция-ку бундай яшаш. Шу сабабдан уйдаги унча-мушча камчиликларга парво ҳам қилмайман. Мен қилимаган ишларни фарзандларим қилади, деб ўзинга ўзим таскин бераман. Тушундиларингизми?

— Тушундим, домла, — дейишди ўсимр меҳмонлар бир-варайига.

— Эҳ-хе, менга осон бўлган эмас, ўғилларим, — дея узун сўлиш олиб сўзини давом эттирди Зиё Набиев. — Уша ҳаётдан узилиб чиқиб кетиш жуда қийинчилик билан бўлди. Аввало, лўлининг тарқ этиш фикри кеңроқ келди ақлига. Сизлардек ўсимр пайтида онда ўлиб қолди. Отанинг ёнида гадолик қилиб юрдим. Жуда уларнинг, Отам яна уйланди. Кейингиси — ўғай онам Баджол эди, ачирги чикса, мен-ку мен отамни ҳам қалтаклаб кетарди. Уша ўғай онаминг қариндошига мени уйлантириб қўйишди. Хотиним бошқа лўли аёллар билан ўйма-ўй тиланчилик қилиб, фол очиб, мени боқарди. Мен уйда болага қараб ўтирадиган, битта ўғилмиз бор эди. Бора-бора хотиним ўғилни ҳам гадоийчиликка ўргатди. Мен мактабга катнай бошладим. Бу ишга хотинилага ҳам, жамоамиздагиларига ҳам ёрдам. Аммо, ақидандан қайтмадим. Ҳисоб-киتابни ўрганишни керак, пул санашни ўрганишни керак, деб баҳона қилдим. Жамоамиз қаврга кўчса, ўша яқин орадаги қишлоқ мактабига катнайвердим. Охири йигирма саккиз йилда ўрта мактабни битириб, аттестат олдим. Уша йил институтга кирдим. Хотиним ўғилни еталаб келиб, институтда тўполон кўтарди, мен билан мана бу боласини боқмайпти, деб деканнинг олдида кирди лўли тағви билан. Деканнинг хўшмуомала одам эди, алдаб-сўлаб хотинимни чиқариб юборди-да:

— Аказиб, нима қилмайсиз энди? — деди. Ушунда студентлар, ҳатто деканнинг ҳам «Аказиб» деб айтишарди мени.

— Майли, домла, ўзим бир чорасини кўрарман, — дедим деканнингизга. Бир ҳанкурсимизнинг акиси милицияда ишларди. Иккаламиз милиция идорасига бориб, воқеани тушунирдик, ўқиниша, таълим олишга фалон жойда чодир битириб ўтирган лўли жамоаси ҳалакит берапти, дедим. У ердагилар бизни тўғри тушунишди. Битта машинада уч-тўртта милиционер лўлилар чодир тикилган жойини қидириб кетишди. Шу билан мен кутулиб қолдим, ўқинишимни давом эттирдим. Хотинимнинг жамоамининг ихтиёрида юрсам, деб ўғилни уйлсам, лўлигидан кутулмасдим... Институтни битириб, у ер-бу ерларда ишлай юрдим. Аммо Сирдарё районда кўпроқ туриб қолдим. Қирқ беш йилда мана шу янгангизга уйландим. Очилиғи айтсам, қанча қийинчилик бўлса ҳам, ўша дарбадар ҳаётимдан кутулиб олганимга шундай хурсандимки... Ахир мен лўлигидан қилиб кетишим ҳам мумкин эди-да. Айтиб қўй, менинг лўлигимни маҳалладагилар биллишмайди, ҳа, фақат шогирдларим деб сизларга айтаяман.

— Янгамиз билалдиларми сизнинг лўли эканингизни?

## СПОРТ АХБОРОТИ

**ФУТБОЛ**  
Мамлакат чемпионатининг олий лигасида навбатдаги тур учрашувлари бўлди. Ўйинлар жадвалида қарвонбошлик қилаётган Днепрпетровскнинг «Днепр» командаси Бокуда маҳаллий «Нефтич» коллективини билан куч синишди. Қизилқарни ўтган матчда жанговар дураг (2:2) қайд этилди.

Вильнюсдаги «Жальгирис» ва «Торпедо» (Москва) учрашувида ҳам дарозаларга тўртта тўп киритилди — 2:2.

Олтин медалга асосий даъвогар Ҳисобланган Киев динамочилари Москвада «Локомотив» командасига қарши ўйнашди. Бу матч ҳам дуранг (1:1) билан тугади.

Москвининг «Спартак» командаси ўтган турда имкониятни бой берди. Спартакчилар Бреванда «Арат» коллективига ютказдилар. Матч тақдирини мезбонлар киритган ягона тўп ҳал қилди.

«Зенит» (Ленинград) — «Металлист» (Харьков) учрашуви 2:1 ҳисобида тугади. Минскнинг «Динамо» командаси «Қайрат» (Олмаота) коллективидан устун (3:1) келди.

**ОГИР АТЛЕТИКА**  
Республика кўнглили физкультура ва спорт жамиятининг биринчилиги (ўсимр ва қизлар) якунидади. Бу мусобақада қатнашган Тошкент области вакиллари — Наталья Ешеркина (баландликка сакраш), А. Бародо (3.000 метрга югуриш), А. Пущкарский (уч ҳатлаб сакраш) кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА**  
Садбери шаҳрида (Канада) ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган совет спортчилари тўртта олтин, олти кумуш ва ўн иккита бронза медалларини қўлга киритишди.

Мамлакатимиз терма командаси аъзоси тошкентлик Дмитрий Полонин ҳам бун келмади. Ванлиймиз найзани узоқликка отишда (69 метр, 12 сантиметр) тўртинчи натижани кўрсатди. Ҳурмат шоҳуспасининг юқори понаҳасига В. Овчинников кўтарилиди. Англиялик С. Бекли иккинчи, ГДР вакили П. Райман учинчи бўлди.

**Харьковда қасаба союзлари Бутунитиёф физкультура ва спорт жамиятининг биринчилиги (ўсимр ва қизлар) якунидади. Бу мусобақада қатнашган Тошкент области вакиллари — Наталья Ешеркина (баландликка сакраш), А. Бародо (3.000 метрга югуриш), А. Пущкарский (уч ҳатлаб сакраш) кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.**

**Китоб жавонингизга**  
**ГИЁҲЛИ ИЧИМЛИКЛАР**  
Ўзбекистон набототи рангбаранг ва бой. Гиёҳнинг 4 миңдан ортиқ тури бўлиб, унинг аттиги 10 фонзигина ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилмоқда.

Хўшбўй доривор ўсимликлардан ичимликлар тайёрлашда фойдаланилса, унинг таъминини яхшилашда витаминлар билан бойлантирилади.

Яқинда «Меҳнат» нашриёти чоп этган К. Ҳожиматов ва Л. Кобецкий «Гиёҳли ичимликлар» номли рангли ва иловали китоби дорини...

8.30 «Ассолому алайкум». Информацион музикали программа.  
10.00 «Оила даврасида». Кино-программа.  
11.00 «Биргаликда қуйлаймиз». Х. Раҳимов, Т. Тўла. «Фестиваль вальси».  
11.30 «Шаҳмат мактаби». Кўрсатува Андижон область Жалолқудуқ район Илчиқ номи совхоздан олиб кўрсатилади.  
12.20 Болалар учун телевизион театр. «Сенинг тақдиринг». Й. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.  
13.30 «Ота-оналар университети». 14.00 «Пойтахтимиз меҳмонлари». М. Горький номидаги Владимир Костомаров драма театри (рус.).

### «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ РУС ТИЛИ СИРТКИ МАКТАБИ

## «А» ДАН «Я» ГАЧА

ГАЛСТУК — галстук, бўйинбоғ.  
ГАЛУН — уца.  
ГАЛЧОНОК — зочча бола.  
ГАЛЬВАНИЗАЦИЯ — гальваник ток билан даволаш.  
ГАЛЬКА — шағал, майда тош.  
ГАМ — шовқин-сурон, шов-шув, қий-чув.  
ГАМАРДИЛ — йирик маймуларнинг бир тури.  
ГАМАК — гамак, тўр беланча.  
ГАММА — бир пардадан кўтарилиб ёни тушиб борувчи товушлар маъмуи.  
ГАНГРЕНА — қорасон.  
ГАНГСТЕР — босқинчилар тўдасининг аъзоси.  
ГАНДВОЛ — қўл тўпи ўйини.  
ГАНТЕЛЬ — икки учи юмалоқ тош шаклидаги қўл гимнастикаси асбоби.  
ГАРАНТ — гарантия берган шахс, идора, давлат кафили.  
ГАРДИНА — дераза пардаси.  
ГАРКАТЬ — бор овоз билан қичирмоқ.  
ГАРМОНИЗАЦИЯ — уй-ғунлаштириш.  
ГАРНЕЦ — 3,28 л.га тенг қадимги ўлчов бирлиги.  
ГАРНЦЕВЫЙ — тегиримон қаҳи.  
ГАРНЫЙ — чироқ мойи.  
ГАРТИЯ — довул қўши.  
ГАРГУН — катта балқиларнинг овлашда отландиган лўли уйнаша.  
ГАРТ — ҳарф тайёрлаш учун ишлатилган материал.  
ГАРЦЕВАТЬ — от ўйнатиб юрмак.  
ГАРЬ — куйган нарсаси.  
ГАСИЛЬНИК — ўчирғич.  
ГАСТРИТ — ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши.  
ГАСТРОЛИ — сафар томошалари.  
ГАСТРОНОМ — овқат шинавалити.  
ГАТ — тўшма тўш.  
ГАФЕЛЬ — елкан ёғочи.  
ГАШЕНЕ — оҳаниқ ўлдирши, сўндириши.  
ГАСШЕТКА — милтнқ тепкиси.

ГВАЛТ — шовқин-сурон.  
ГВАОЮЛА — начуқли доим яшил бута ўсимлиги.  
ГВОЗДИКА — чиннигул.  
ГВОЗДИКА — қалампир-мунчоқ.  
ГДЕ-ЛИБО — бирор жойда, бирор ерда.  
ГДЕ-ТО — аллақайда, қаредлар.  
ГЕДИМОН — йўлбошчи, етакчи.  
ГЕЕННА — жаҳаннам, дўзах.  
ГЕЗЕР — ўқтин-ўқтин отилиб турадиган исоқик булуқ.  
ГЕКСАЭДР — олтиёқлик, куб.  
ГЕЛИОТРОП — кўкмазар, ҳазорангул.  
ГЕМАТИТ — қизил темиртош, темир рудаси.  
ГЕМАТОЛОГИЯ — қон системаси ҳақидаги фан.  
ГЕМАТОМА — гурра.  
ГЕМАМА — сиртига хат ёзилган ёки нақш туширилган қимматбахо тош.  
ГЕНЕРАТОР — электр токи ишлаб чиқарадиган машина.  
ГЕНЕТИК — генетика мутахассиси, олим.  
ГЕОЛОГРАФВЕДКА — геологик қидирув ишлари.  
ГЕТАРД — чита (йиртқич ҳайвон).  
ГЕРАНИЕВЫЙ — ёронгул.  
ГЕРБ — тамга.  
ГЕРБАРИЙ — қуритилган ўсимликлар коллекцияси.  
ГЕРВИДИЙ — бегона ўтларни йўқотадиган химиявий моддалар.  
ГЕРКУЛЕС — азамат, паҳлавон.  
ГЕРКУЛЕСОВ — чегара, чек.  
ГЕРКУЛЕСОВЫЙ — сули ёрмасидан иштирилган.  
ГЕРМОШЛЕМ — герметик қалпоқ.  
ГЕРОИЗМ — қаҳрамонона ҳаракат, ҳислат.  
ГЕРЦ — тебранинг тезлигининг ўлчов бирлиги.

Л. ПАКАЛО, нашриётнинг катта редактори.

Редактор А. Ф. МУХТОРОВ.